

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни озик-овқат махсулотлари билан таъминлаш бўйича
№ 5-сонли ШАРТНОМА

2022_ йил «07_» январ _

Фуркат туман

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи (кейинги ўринларда "ХAYOT SHIRIN JUDAHAM" MCHJ («Таъминотчи» деб аталади) номидан раҳбари И.Хусанов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Фуркат тумани МТБ_ номидан (келгусида «Иstemolchi» деб аталади) раҳбари Д.Қодирова ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

1.Шартнома предмети

- 1.1.«Сотувчи» «Харидор»га куйидаги товарларни етказиб беради: пишлок
- 1.2.Мазкур шартноманинг умумий киймати 9396000 сўм, (тўқкиз миллион уч юз тўқсон олти минг)
(рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил килади.
- 1.3. Махсулотлар 2022 йил январь ойига куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
Пишлок	кг	348	27000	9396000
Жами:				9396000

Изоҳ: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассо ртимент бўйича олинаетган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиеждан ва нарх-наволардан келиб чиқсан холда алоҳида спецификация холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб хисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига ўзгариш киритилади.

2. Хисоб-китоб шартлари.

- 2.1 Олинган махсулотлар учун махсулот спецификациясида белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича хисоб-китоб қилинади.
- 2.2 «Иstemolchi» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тулик хисоб-китобни махсулот олингандан сўнг, счет фактураларга асосан пул ўтказиш йули билан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдорида олдиндан тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.
- 2.3 Махсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар бўлган корхоналарнинг тижорат таклифларидан хамда худуддаги ўртача бозор нархлари асосида ва тақдим этилаетган махсулотларни сифатини эътиборга олиб ўзаро танлов асосида белгиланади. Махсулотлар учун нарх бозор нархларидан ошмаган холда сифат даражасига қараб етказиб берувчи ва истемолчи ўртасида ўзаро келишилиб белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулотларга белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Таъминотчи» зиммасидан копланади.

3. Махсулот етказиб бериш:

- 3.1 «Таъминотчи» шартномада белгиланган махсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни январ ойида етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

4. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:

- 4.1 «Таъминотчи» махсулотни сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати) хамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намуналиги махсулотни жойларга етказиб берилшига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 4.2. «Таъминотчи» «Иstemolchi» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалок муҳр босилган ишонч коғози кўреатган вакилга махсулот беради. Агар «Таъминотчи» томонидан «Иstemolchi»нинг ишонч когозида курсатилмаган махсулотларни ёки махсулотларни ишонч коғозида белгиланган микдоридан ортиқ берган холларда бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан ҳак туланмайди. Шунингдек, «Таъминотчи» томонидан «Иstemolchi»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу махсулотлар «Таъминотчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳак тўланмайди.
- 4.3 «Таъминотчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варакларда тўлик ва аник номини, махсулот навини, категориясини ва бошка кўреаткичларини кўреатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган хамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўреатилмаган хисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу холатлар тегишли далолатномалар орқали расмийлаштирилади.
- 4.4. «Иstemolchi» «Таъминотчи» томонидан юборилган махсулотни шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўреатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

5. Томонлар жавобгарлиги

- 5.1 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га сифатсиз ёки сақлаш муддати ўтиб кетган махсулотларни етказиб берган холда «Истемолчи» «Таъминотчи»дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 20% жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 5.2 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Таъминотчи» муддати ўтган хар бир кун учун кечикирилган махсулот қийматининг 0.5% микдорида лекин кечикирилган махсулот қийматининг 50% дан ошмаган холда «Истемолчи»га пея тўлайди.
- 5.3 Агар «Истемолчи» «Таъминотчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган хар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0.4% микдорда, лекин кечикирилган тўловнинг 50% ошмаган микдорда пея тўлайди.

5.4 Жарималар тўланиши «Таъминотчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

6.<Форс-мажор>

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлик бўлмаган фавқулодда холларда бузилса (яъни сув тошқини, енғин, зилзила, бошқа табиий оғатлар ва хукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлик холатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

7. Шартнома муддати

7.1 Шартноманинг амал килиш муддати 07.04.2022 йилдан 31.01.2022 йилгача. Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмагандан томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.2 Шартнома қуйидаги холларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан; б) «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Истемолчи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хуоса олинганда; в) «Таъминотчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда; г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани холда «Таъминотчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда; д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши) лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда; Изоҳ: б, в, г, д пункtlари бўйича шартномалар «Истемолчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Истемолчи» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган холда хат билан маълум киласди.

8. Кўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан иқтисодий судлари оркали хал қилинади.

8.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувохнома, сертификат) «Истемолчи»га тақдим этади.

8.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб тегишили ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:
«Истемолчи»

«Таъминотчи»
"ХАЙОТ ШИРИН ЮДАНАМ" МЧН

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Кўкон шаҳар

Тел./факс 99894 441 17 00

х/в 20208000505424182001

Банк номи: "Универсалбанк" Чўст ф

МФО: 01393 СТИР: 308762043



Рахбар

(имзо)

И. Хусанов
(Ф.И.Ш)

Фуркат МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фуркат туман Кичик –янги к-ги

Тел./факс

ш/хр 400522860302387091100251052

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305153794

ОКОНХ 92400

Ғазначилик бўлинмаси номи: Фуркат тумани

Ғазначилик бўлинмаси

ЯФХ: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий Банкнинг

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар

(имзо)

Д. Қодирова

(Ф.И.Ш)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HYJJATLARNING QONUN HUJJATLARGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

14.01.2022 yil

Furqat tumani

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Furqat tumani mактабгача та'lim bo'limi va "Xayot shirin judaham" MChJ о'rtasida oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash to'g'risidagi № 5-sonli shartnoma

3. Loyixa ishlab chiqilgan va markazga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
Shartnoma loyihasi 2022-yil 07-yanvar kuni ishlab chiqilgan va Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 13-yanvar kuni ekspertizadan o'tkazish va xulosa olish uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Furqat tuman yuridik xizmat
ko'rsatish bosh yuriskonsulti



M.M.Axmedov